



ТЕМИРҲО‘ЛЧНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan

О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 11-iyun • payshanba • № 22 (6602)

ХАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририяти ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

АХБОРОТ МАКОНИДА ЎЗАРО ХАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Расмий учрашув доирасида бўлиб ўтган тадбирда ҳамкорлик битимини “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев ҳамда ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Баҳодир Мирзараҳимов имзолادилар. Мазкур келишув томонлар ўртасидаги ахборот алмашинувини фаоллаштириш ва соҳадаги ислохотларни кенг жамоатчиликка ҳолис етказишда муҳим кадам бўлиб хизмат қилади.



Ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад – темир йўл транспорти объектлари ва ҳудудларида хавфсизлик маданиятини юксалтириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда соҳадаги янгиликларни кенг жамоатчиликка ҳолис ва тезкор етказишдан иборат.

Томонлар ҳамкорлик доирасида темир йўл транспортда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган мақолалар, видеороликлар ва инфографикаларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти фаолияти, соҳадаги янгиликлар, замонавий поездлар ва вокзаллардаги хавфсизлик тизимларини ёритувчи қўшма кўрсатувлар, репортажлар ва интервьюлар яратиш бўйича келишиб олдилар. Бундан ташқари, темир йўл вокзаллари, кутиш заллари ва поездлар вагонларидаги мониторлар ҳамда реклама майдонларида ҳуқуқий-тарғибот материалларини намойиш этиш, аҳоли ва темир йўл ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Бирлашган тахририят нашрларини етказиб бериш ҳамда тарқатиш чоралари кўрилади.



Шунингдек, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида қўшма брифинглар, пресс-турлар ва ижтимоий сўровномалар ташкил этиш ҳамда байрамлар ва соҳа ходимларининг касб байрамлари муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ва матбуот ярмаркаларини ўтказиш ҳам ҳамкорликнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Ушбу меморандум икки томонлама манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда йўловчилар ва темир йўл ходимлари учун хавфсиз муҳитни таъминлашда муҳим кадам бўлиб хизмат қилади.

ЗАНГИОТАДА ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСИ ЎРНИДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ “СОБИР РАҲИМОВ” – “ЎРТАОВУЛ” СТАНЦИЯЛАРИ ОРАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН, ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИДА НОҚУЛАЙЛИКЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАЁТГАН ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСИ ЎРНИДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ.



РЕЖАГА КЎРА, МАВЖУД ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСИ ЎРНИДА УЗУНЛИГИ 23,6 МЕТР БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ БАРПО ЭТИЛАДИ.

Қурилиш ишларига старт бериш маросимида Тошкент вилояти ҳокими З.Мирзаев ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев иштирок этди.

Мазкур ташаббус ҳудуд аҳолиси учун узоқ йиллар давомида долзарб бўлиб келган транспорт муаммоларини

ҳал этишга қаратилган. Режага кўра, мавжуд темир йўл кесишмаси ўрнида узунлиги 23,6 метр бўлган замонавий йўл ўтказгич барпо этилади.

Ушбу иншоот фойдаланишга топширилгач, транспорт оқимининг узлуксизлиги таъминланади, тирбандликлар сезиларли даражада камайдди ҳамда аҳоли ва хай-

довчилар учун янада қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароити яратилади.

Қурилиш ишларига старт бериш маросими миллий кадрларимизга хос тарзда ўтказилиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва амалга оширилаётган эзгу ишлар баракали бўлишини тилаб дуолар қилинди.



ТИББИЁТ ИСЛОХОТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНАСИДА ЎРНАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ВА СЎНГГИ АВЛОД PHILIPS МРТ АППАРАТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОР-ЙЎҒИ 2-3 ТА ШИФОХОНАСИДА МАВЖУД ХОЛОС.

ЗАМОНАВИЙ МРТ АППАРАТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ЧЕГИРМА БОР



Соғлиқ учун энг муҳим кадам – бу ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйишдир. Шу сабабли МРТ (магнит-резонанс томография) бугунги кунда энг замонавий ва самарали текширув усулидан бири ҳисобланади.

Шифохонамизда ўрнатилган илғор МРТ аппарати ёрдамида касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва юқори аниқликдаги тасвирларни олиш имконияти мавжуд. Биз беморлар учун максимал қулайлик ва халқаро стандартларга мос хизмат сифатини кафолатлаймиз.

Текширув йўналишлари:
• Бош мия ва асаб тизими;
• Умуртқа поғонаси ҳамда бўғимлар;
• Корин бўшлиғи ва кичик чанок аъзолари;
• Юмшоқ тўқималар ва қон томир тизими.
Аппарат 250 килограммгача бўлган бе-

морларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, текширувлар тажрибали мутахассислар назорати остида халқаро стандартлар асосида олиб борилади.

Тиббиётнинг халқаро тажрибасини қўллаш мақсадида Туркия, Жанубий Корея ва Ҳиндистон клиникалари билан телетиббиёт орқали ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, мураккаб ҳолатларда хорижий мутахассислар билан онлайн маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Беморлар учун қулайлик яратиш мақсадида шифохонанинг кутиш ва муолажа хоналари замонавий совитиш тизимлари билан жиҳозланган, шунингдек, темирйўлчилар учун МРТ текширувида имтиёзли чегирмалар жорий этилган.

Иш вақти: 24/7
Мурожаат учун:
+998 (71) 299-63-02

■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

**ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО
ХАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ
ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВ**

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамиятида “Conch Cement” масъулияти чекланган жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда темир йўл вагонлари орқали юк ташиш хизматларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.



Шу муносабат билан “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси биринчи ўринбосари О.Жаббаров бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Охангарон туманида жойлашган йирик қўшма корхона – “Conch Cement” заводига ташриф буюрди.

Ташриф давомида корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнлари, логистика инфратузилмаси ҳамда юкларни темир йўл транспорти вагонлари орқали ташиш имкониятлари билан яқиндан танишилди. Шунингдек, маҳсулотларни экспорт ва импорт қилиш жараёнларида юк вагонлари билан таъминлаш, юкларни ўз вақтида ва хавфсиз етказиб бериш, логистика хизматларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.



Томонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, юк ташиш ҳажмларини ошириш ҳамда хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича фикр ва таклифлар алмашилди.

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиб, уларнинг мурожаатлари, муаммо ва таклифларини тизимли ўрганиш ҳамда амалий ечимлар ишлаб чиқиш борасидаги ишларни изчил давом эттирилмоқда.

**ЮКОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ПОЕЗДЛАР
ХАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ –
УСТУВОР ВАЗИФА**

Юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлари қатнови амалга ошириладиган темир йўл участкаларида маҳаллий аҳоли ва чорва моллари учун хавфсиз шароит яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.



“Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамияти бош муҳандиси А.Бозоров ҳамда “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси М.Садиқов раҳбарлигида тегишли



мутахассислар иштирокида “Баят” – “Гулстон” перегонида пидедалар ўтиш йўлакларини туннель шаклига ўтказиш ишлари ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа маҳаллий аҳолининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, чорва молларининг темир йўлни хавфсиз кесиб ўтишини ташкил этиш, юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини узлуксиз ва хавфсиз амалга ошириш ҳамда темир йўл инфратузилмаси ишончилигини ошириш каби мақсадларга хизмат қилади.

Қуриш ишлари белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий риоя этилган ҳолда, техника хавфсизлиги ҳамда сифат талаблари асосида амалга оширилмоқда.

**ЛОКОМОТИВЛАР ПАРКИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2024 йил 8 августдаги 492/10-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилаётган “Локомотивлар паркинни янгилаш ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Хитой давлатининг ҳамда “CRRC Zhuzhou Locomotive Co., Ltd” компанияси билан 2024 йил 15 августда 38 та замонавий локомотив етказиб бериш бўйича 008-ЖДС-сонли шартнома имзоланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида “Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Сирожиддин Норқабиллов ҳамда “CRRC Zhuzhou Locomotive Co., Ltd” компанияси президенти Чэнь Чжисинь бошчилигида ўтказилган учрашувда ушбу масала муҳокама қилинди.

Мазкур лойиҳа асосида 10 та юк тепловози харид қилиниши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар республикамизга “O’Z12T” серияли 8 та юк тепловози етказиб берилди. Шундан 5 таси – “Тинчлик”, 3 таси “Қўнғирот” локомотив деполарида эксплуатация қилинмоқда.

Жараёнда аниқланган техник носозликлар юзасидан ишлаб чиқарувчи компания билан доимий ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар камчиликларнинг асосий қисми бартараф этилган бўлиб, қолганларини тугатиш ишлари давом эттирилмоқда.



Шунингдек, “Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамияти томонидан барча локомотивларнинг техник жиҳатдан соҳа қўллатиш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқарувчи компанияга тегишли расмий мурожаатлар юборилган.

**“ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
“Е-СТАТ” РАҚАМЛИ ҲИСОБОТ
ПЛАТФОРМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

“Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамиятида хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бошқарув жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида замонавий рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, жорий йилда жамият томонидан “Е-stat” рақамли ҳисобот платформаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Мазкур платформа юк ишлари статистикаси ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини электрон шаклда юритиш, маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилиш, шунингдек, турли ҳисобот ва графикларни автоматик шакллантириш имконини беради.

Платформа орқали логистика марказлари кесимида орғиш ва тушириш ишлари доимий равишда онлайн мониторинг қилинмоқда. Шу билан бирга, жорий натижалар ўтган йиллар кўрсаткичлари билан автоматик равишда таққосланиб, таҳлилий маълумотлар шакллантирилмоқда. Рақамлаштириш йўналишидаги бундай ташаббуслар жамият фаолиятининг шаффоқлиги, самарадорлиги ва бошқарув сифати янада ошишига хизмат қилади.

**ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН
ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР**

“Кўкон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов, Юк ва тижорат ишлари бўлими бошлиғи ҳамда “Кўкон” станцияси бошлиғи билан биргаликда йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланган “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамияти вакиллари билан самарали учрашув ўтказди.



Учрашув давомида юк ташиш ҳажмини ошириш, корхона томонидан ишлар чиқарилаётган маҳсулотларни темир йўл транспорти орқали хавфсиз ва ўз вақтида манзилларга етказиш, логистика занжирини такомиллаштириш, вагонлар таъминоти, юкларни орғиш ва тушириш жараёнларини янада тезлаштириш ҳамда станциядаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тадбиркорларга темир йўл хизматлари кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш ва юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш чораларини кўриш каби масалалар муҳокама қилинди.

**ЎЗБЕКИСТОН ВАГОНСОЗЛИК
САНОАТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ
ВА ЭКСПОРТ ҚЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА**

“Андижон юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти йирик саноат етакчилари учун замонавий ва юқори технологик юк вагонлари ҳамда цистерналар етказиб бериш ҳажмини йилдан-йилга оширмоқда.



2021 йилда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти билан имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида дастлаб олтингугурт кислотаси ташувчи вагон-цистерналар, сўнгра нитрат аммония ташушига ихтисослаштирилган вагонлар ишлаб чиқарилди.



2023 йилда 35 дон думпкар самосвал вагонларининг хизмат муддати узайтирилди ва янгилари “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ҳамда Туркменистоннинг “Эвиз доганлари” компаниясига етказиб берилди. Айни пайтда Туркменистон ва Қозоғистон Республикаларидаги йирик компаниялар билан янги экспорт шартномалари бўйича фаол музокаралар давом этмоқда.



■ ХАЙРИЯ

2026 йил 7 июнь куни Қозоғистон Республикасидан юборилган инсонпарварлик ёрдами орқали 8 та юк вағони Афғонистоннинг Балх вилоятидаги “Хайратон” станциясига етиб келди.

**ҚОЗОҒИСТОНДАН АФҒОНИСТОНГА
НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ ЕТКАЗИЛДИ**

Инсонпарварлик ёрдами таркибидан шакар, матрас, чодир ҳамда дори-дармон маҳсулотлари ўрин олган бўлиб, ушбу юклар темир йўл транспорти орқали белгиланган манзилга ўз вақтида етказилди.

Жорий йилнинг 9 июнь куни мазкур ёрдам юкларини топшириш маросими ташкил этилиб, унда Қозоғистон Республикасининг Афғонистондаги элчиси иштирок этди. “Хайратон” станциясига келган инсонпарварлик ёрдами Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари томонидан қабул қилинди.

Тадбир давомида инсонпарварлик ёрдами юклари тегишли масъул ташкилотлар ва вакилларга топширилди. Маросимда “Соғдиана Транс” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, юкларни қабул қилиш ва топшириш жараёнларининг самарали ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Мазкур инсонпарварлик ёрдами Афғонистон аҳолисини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, 2026 йил бошидан буён Қозоғистон Республикасидан темир йўл орқали Афғонистонга йўналтирилган 1 миллион тоннага яқин юклар “Соғдиана Транс” масъулияти чекланган жамияти томонидан Хайратон – Мозори Шариф темир йўли орқали қабул қилиниб, юк олувчиларга ўз вақтида ва муваффақиятли етказиб берилиши таъминланди. Бу эса корхонанинг халқаро юк ташиш жараёнларини самарали ташкил этиш ҳамда минтақавий логистика занжирларининг узлуксиз ишлашини таъминлашдаги муҳим ўрнини яна бир бор тасдиқлайди.

■ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

**ТЕМИРЙЎЛЧИ СУВДА
ЧЎҚАЁТГАН ҚИЗАЛОҚЛАРНИНГ
ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ**

Жорий йилнинг 9 июнь куни “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалининг Тошкент темир йўл масофаси корхонаси 20-цех механизациялашган бригадаси темир йўл созловчиси Аъзам Иброҳимов Сергели тумани ҳудудидан ўтган Қорасув канали атрофида хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келаётганида, тахминан 6-7 ёш атрофидаги 2 нафар қизнинг каналда оқиб кетаётгани ва ёрдам сўраб бақираётганини кўриб қолади.



Фидойи темирйўлчи сувда чўқаётган қизалоқларни қутқариш учун ўзини шиддат билан оқаётган каналга ташлади ва уларни зудлик билан қутқариб, сувдан олиб чиқди. Акс ҳолда, улар оқими юқори бўлган каналнинг қувурлари орасига кириб кетиб, бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин эди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти томонидан, шу куннинг ўзидаёқ темирйўлчи йўлсоз Аъзам Иброҳимовга, “Сергели” станцияси ҳудудидан ўтган каналда чўқаётган қизларни қутқаришдаги жасорати ва фидокорона ҳаракати учун чуқур миннатдорчилик билдирилиб, ташаккурнома, эсдалик совғаси ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Унинг бу мардона ҳаракати темирйўлчи касбининг нафақат масъулият, балки юксак инсонийлик, жасорат ва фидойилик тимсоли эканлигини яна бир бор намоён этди.

БОЛАЛАР ЁЗИ-2026

ТЕМИР ЙЎЛ ТАСАРРУФИДАГИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА ЁЗ МАВСУМИ БОШЛАНДИ



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Республика Кенгаши ижроия қўмитасининг 2026 йил 25 майдаги “Болаларни 2026 йил ёз мавсумида соғломлаштиришга ва мавсумни юқори савияда ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги болалар дам олиш оромгоҳларида темирйўлчилар фарзандларини 2026 йилги ёз мавсумини мароқли ўтказишлари учун бошланган тайёргарлик ишлари якунига етиб, оромгоҳлар бирин-кетин болаларни қабул қилмоқда.

Оромгоҳларда болалар ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, санитария-гигиена ҳамда карантин талабларига риоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Бунинг учун Жамият томонидан етарли маблағлар ажратилди. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Сабиров бошчилигида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари дам олиш оромгоҳларини ёзги мавсумга тайёрлаш жараёнини кўздан кечириш, мавжуд камчиликларни аниқлаган ҳолда баргараф этиш учун


тизимдаги “Қибрай”, “Янги авлод”, “Бурчи-Мулло”, “Аловуддин”, “Темирйўлчи” болалар оромгоҳларига ҳамда “Кўнғирот” санаторий-профилакторийсига ташриф буюриб, қурувчилар ва мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Хусусан, тармоқ раҳбарияти томонидан бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида оромгоҳлардаги шинам турар жойлар, дам олиш ва овқатланиш хоналари, қизиқарли адабиётлар, газета ва журналларга бой кутубхона, чўмилиш ҳавзаси ҳамда турли спорт майдончалари болажонлар учун ҳозирланди. Биноларда профилактик дезинфекция ўтказиш чоралари қўрилди. Сўлим табиат қўйнида жойлашган оромгоҳларда фарзандларимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг мароқли дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, спорт билан шуғулланиши, ўз қизиқиши, лаёқати бўйича билим ва кўникмаларини ошириши учун яна бир имконият яратди, деганидир.

Юқорида келтирилган оромгоҳларда темирйўлчилар ҳамда транспорт қурувчилари ишчи-ҳодимларининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 5 минг нафардан кўпроқ ўғил-қизини 4 та босқичда 12 кундан дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Таътилнинг биринчи мавсуми 10 июндан “Янги авлод”, “Темирйўл-

ТАЪТИЛНИНГ БИРИНЧИ МАВСУМИ 10 ИЮНДАН “ЯНГИ АВЛОД”, “ТЕМИРЙЎЛЧИ” ВА “АЛОВУДДИН” БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА ОЧИЛДИ. 11 ИЮНДАН “БУРЧИ-МУЛЛО”, 12 ИЮНДАН “ҚИБРАЙ” ОРОМГОҲЛАРИ СОҲА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ИЛК БОСҚИЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.



риқлар ижросини таъминлаш мақсадида 455 нафар болаларни ҳамда олиш ҳудудларида истиқомат қиладиган темир йўл ходимлари фарзандларига темир йўл тизимида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ўз ҳудудларида жойлашган оромгоҳларга 1 минг 300 та йўлланма ҳарид қилинди.

Анъанага кўра, ҳар йилги ёзги мавсумда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини бепул соғломлаштириш режалаштирилган ҳамда “Касаба уюшмаси – болаларга” акцияси доирасида бир гуруҳ болажонларни дам олдириш режалаштирилган.

Темир йўл тасарруфидаги оромгоҳларда шинам турар жойлар, дам олиш ва овқатланиш хоналари, қизиқарли адабиётлар, бадий китоблар ва журналларга бой кутубхона, чўмилиш ҳавзалари ҳамда турли ўйин ҳамда спорт майдончалари болажонлар учун шай ҳолатга келтирилди. Ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган педагог-тарбиячилар, етакчилар, тўғрақ раҳбарлари жалб этилди. Тиббиёт ходимлари ҳам болаларнинг саломатликларини назорат қилиб боришмоқда. Тарбиячилар болажонларни турли-туман қизиқарли ўйин мусобақаларига жалб этишса, ошпазлар уч маҳал мазали таомларни тайёрлаб беришади.

Оромгоҳлардаги барча жараёнлар мунтазам равишда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Республика Кенгашининг масъул ходимлари томонидан назорат қилинади.

Мухтасар қилиб айтганда, соғломлаштириш масканларида фарзандларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши ва жисмоний чиниқиши билан бирга, билимларини янада бойитишлари учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, болалар дам олиш билан биргаликда янги дўстлар ортириб, қалблари бир олам завққа тўлиб, янги ўқув йилини катта таассуротлар билан бошлашади.

чи” ва “Аловуддин” болалар оромгоҳларида очилди. 11 июндан “Бурчи-Мулло”, 12 июндан “Қибрай” оромгоҳлари соҳа фарзандларининг илк босқичини қабул қилади.

“Қибрай” болалар соғломлаштириш оромгоҳига жорий йилнинг 1-мавсумига Оролбўйи минтақасидаги Қорақалпоғистон Республикасида ишлайётган ва яшовчи темирйўлчилар фарзандларини қамраб олиш ҳамда мазкур топши-



ОРОМГОҲЛАРДА БОЛАЛАР УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касабаси уюшма қўмитаси томонидан ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ташкил этиш, болаларнинг соғлом дам олишлари ҳамда жисмоний ва маънавий камолотига кўмаклашиш мақсадида 2026 йил 2 июнь куни Бухоро шахрида жойлашган “Заковат” болалар соғломлаштириш оромгоҳига 47 нафар, 6 июнь куни Қашқадарё вилоятида жойлашган “Сирли коинот” болалар соғломлаштириш оромгоҳига 200 нафар, 8 июнь куни Самарқанд вилоятида жойлашган “Алпомиш” болалар соғломлаштириш оромгоҳига 60 нафар бола биринчи мавсумга дам олишга юборилди.

Оромгоҳларда болалар учун барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари, соғлом овқатланишлари ва хавфсизлиги таъминланган. Шунингдек, оромгоҳ дастури доирасида турли маданий-маърифий

тадбирлар, спорт мусобақалари, қизиқарли танловлар, ижодий касабаси уюшма қўмитаси томонидан ҳар йили ходимлар фарзандларининг ёзги таътилни самарали ўтказишларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Болажонларни оромгоҳга кузатиш жараёни кўтаринки кайфиятда ўтди. Ота-оналар фарзандларининг хавфсиз ва мазмунли дам олишлари учун яратилган имкониятлардан мамнун эканликларини билдириб, ушбу хайрли ташаббус учун Касаба уюшма қўмитасига миннатдорлик изҳор этишди. Болалар эса янги дўстлар ортириш, қизиқарли машғулотларда иштирок этиш ва ёзги таътилни унутилмас хотираларга бой ўтказиш илнжиди оромгоҳ сари йўл олдилар.

БОЛАЛАЖОНЛАР “ЁШ КИМЁГАР” СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИГА КУЗАТИЛДИ

5 июнь куни ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбати доирасида “Темирйўлчиларнинг жамиятининг “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилётган темирйўлчиларнинг 121 нафар фарзанди Қашқадарё вилоятининг Яққабог туманида жойлашган “Ёш кимёгар” болалар соғломлаштириш оромгоҳига кузатилди.



Болаларни оромгоҳга кузатиш тадбири кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда ота-оналар, меҳнат жамоалари ва касабаси уюшмаси вакиллари иштирок этиб, фарзандларга мазмунли дам олиш, янги дўстлар ортириш, спорт ва маданий тадбирларда фаол қатнашиш ҳамда таътилни унумли ўтказиш бўйича эзгу тиллар билдирдилар.

“Ёш кимёгар” оромгоҳида болалар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний фаоллигини ошириш, маънавий-маърифий дунёқарашини бойитишга қаратилган турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади. Бу эса ёшларнинг дам олиш билан бирга билим ва кўникмаларини ривожлантиришига хизмат қилади.

Темирйўлчилар фарзандларининг ёзги таътилин мазмунли ташкил этиш, уларнинг соғлом ва бахтли камол топишига қаратилган бу каби ишлар келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эътибор ва ғамхўрлик эса темирйўлчилар оилаларида мамнуният ва миннатдорлик туйғуларини янада мустаҳкамламоқда.

ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТ

Ёз кириб келганига қанчалар қувонамиз – музқаймоқ тановул қилиш, ховуз ва дарё-сойларда чўмилиш мумкин. Аммо ёз келиши билан, иссиқ жазирама кунлар ҳам кириб келади. Хўш, ушбу жазирама иссиқ кунларни енгиб ўтишда бизларга нималар ёрдам бера олади?

ЖАЗИРАМА ИССИҚДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНМИЗ?

Мутахассислар фикрича, ёз кунлари табиий – ёрқин рангдаги, пахта матосидан бўлган кийимларни танлаш мақсадга мувофиқ. Чунки табиий матодан тикилган кийимлар терининг нафас олишига имкон яратади ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиб кетишини олдини олади.

Иложи борича тўғри тушаётган қуёш нуридан сақланишга ҳаракат қилинг. Иссиқ кунда бош кийим кийиб юриш ёдингиздан кўтарилмасин.

Қуёш нури 12:00 дан 16:00 гача жуда ҳам фаол ҳолатда бўлади. Шунинг учун шу вақт оралиғида кўчага чиқишни режалаштирмаганингиз маъқул. Аммо вазият шу вақт оралиғида ташқарига чиқишга мажбур этса, тананинг очик жойларини қуёш нуридан асрашга ҳаракат қилинг.

Тез бузиладиган егулик маҳсулотларини харид қилмаганингиз маъқул. Чунки иссиқ ҳароратда бактериялар жуда ҳам тез кўпаяди. Бу эса захарланишга олиб келиши мумкин. Ўзингизни ҳар хил кераксиз ҳаяжонлардан асранг, ҳар қандай таъсирланиш офтоб уриши хавфини оширади.

ЖАЗИРАМАДА НИМА ИЧИШ КЕРАК?

Иссиқ об-ҳавода организмда сув баланси бузилади ҳамда кўп намлик йўқотади. Шунинг учун жазирамада кунга 3 литрдан кам бўлмаган миқдорда суюқлик истеъмол қилишимиз лозим.

Ёз кунлари чанқокни олча, олма ва нрдон мевалардан тайёрланган компотлар, сузмадан тайёрланган айрон ва лимонли сувлар босади.

Жазирама кунларда қахвадан воз кечганингиз маъқул. Чунки қахва иссиқ кунда чарчокни оширади. Ширин ва газланган ичимликлар ҳақида ҳам шунини айтсак бўлади. Иссиқ об-ҳавода алкоголь ичимликларидан нафсингизни тийганингиз маъқул. Алкоголь организмнинг сувсизланишига олиб келади.

ЖАЗИРАМАДА НИМА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Иссиқ кунларда энг яхшиси мева ва сабзавотларни истеъмол қилганингиз маъқул. Турли салатлар, сузмали таомлар, ҳамда яхна шўрвалар ҳам тавсия этилади. Бодринг, тарвуз, қовун ҳамда нрдон-ширин мевалар салқинлатиш хусусиятига эга.

Жазирамада жуда ҳам ёғли ва шўр таомларни истеъмол қилишдан ўзингизни сақланг. Албатта ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, яхна ичимликлар ва таомларни ҳам меъёрида истеъмол қилишингиз мумкин. Соғлом ва меъерий овқатланишдан ҳам воз кечиш керак эмас.

Ёз кунлари ишда ҳам, уйда ҳам фаол ҳаракатли ишлардан ўзингизни чегараласангиз мақсадга мувофиқ. Ақлий ва жисмоний ҳаракатларни камроқ амалга оширинг. Кечиктириб бўлмайдиган ишларни салқинроқ пайтда қилишингиз ҳам мумкин.

ТАЪЗИЯ

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда филиалнинг Худудий қасаба уюшма кўмитаси раҳбарияти Худудий қасаба уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари Ориф Рихсибаевич Тўхтаматовга отаси

Рихситулла ТЎХТАМАТОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МИЛЛИОНЛАР ҲИМИНИ

БУГУН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2026 ҲИИНЛАРИ БОШЛАНАДИ



АҚШ, КАНАДА ВА МЕКСИКА МЕЗБОНЛИГИДА ҲТАДИГАН МУСОБАҚАДА “ОҚ БЎРИЛАР” ҲАМ ИШТИРОК ҲТИШАДИ.

Футбол мухлислари интиқлик билан қутаётган 2026 йилги Жаҳон чемпионати бугун бошланади. АҚШ, Канада ва Мексика мезбонлигида Ҳтадиган нуфузли мусобақада Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам қатнашади.

ФИФА маълумотига кўра, чемпионат 11 июндан 19 июлгача Ҳтказилади. Бу мусобақа тарихида илк бор 48 та жамоа иштирокида Ҳтади, турнир давомида 104 та Ҳйин бўлиб Ҳтади.

Турнирда тайёргарлик доирасида Ўзбекистон аввал Канада ва Нидерландия билан Ҳртоқлик Ҳйинлари Ҳтказди. Жаҳон чемпионати гуруҳ босқичида Ўзбекистон К гуруҳидан жой олган.

Терма жамоамиз иштирокидаги гуруҳ босқичи Ҳйинлари қуйидаги вақтларда старт олади (Тошкент вақти билан):

- 18 июнь 07:00 – Ўзбекистон – Колумбия
- 23 июнь 22:00 – Португалия – Ўзбекистон
- 28 июнь 04:30 – Конго Демократик Республикаси – Ўзбекистон.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

“ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИДАГИ “ЯНГИ АВЛОД” БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА ТЕМИРЙЎЛЧИ ФАРЗАНДЛАРИНИ ДАМ ОЛДИРИШ МАВСУМИНИНГ 1-БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ.



“ЯНГИ АВЛОД” БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА ТЕМИРЙЎЛЧИ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН 1-МАВСУМ БОШЛАНДИ

10 июнь кунлари соҳа ходимларининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 200 нафарга яқин ўғил-қизлари Тошкент шаҳридан дам олиш масканига кузатилиди. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг имтиёзли йўлланмалари асосида йўлга чиққан ҳар бир болажон дастлаб Марказий санитария-эпидемиология станцияси ҳамда Йўл болалар шифохонаси



шифокорлари томонидан тиббий кўриқдан Ҳтказилди. Сўнг ҳуқуқ-тартибот ходимлари кузатувида, махсус автобусларда Тошкент вилоятининг сўлим тоғ бағрида жойлашган оромгоҳга хавфсиз етказилди.

Ҳар бир мавсумда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун 12 кундан вақт ажратилган бўлиб, ёз давомида “Янги авлод” оромгоҳида жами 800 нафар соҳа фарзандларини соғломлаштириш кўзда тутилган. Мавсумлар қуйидаги режа асосида ташкил этилади:

1-мавсум: 10 июндан 21 июлгача;

2-мавсум: 24 июндан 5 июлгача;

3-мавсум: 8 июлдан 19 июлгача;

4-мавсум: 22 июлдан 2 августгача.

“Темир йўл ижтимоий хизматлари” масъулияти чекланган жамияти раҳбар ва мутахассислари томонидан “Янги авлод” оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ишлари намунали тарзда олиб борилди. Натижада соҳа фарзандлари табиати кўркам, соясалқин гўзал масканда таътилни Ҳтказиш имкониятига эга бўлдилар. Болажонларнинг вақтини мазмунли ва мароқли Ҳтказиши

учун оромгоҳ ҳудуди замонавий аттракционлар, болалар Ҳйин майдончалари ва шинам сув ҳавзалари билан таъминланган. Болажонларга кун давомида 4 маҳал мазаги ва юқори калорияли иссиқ таомлар тортиқ этилади. Шунингдек, уларнинг маънавий билимларини ошириш мақсадида бой китоб фондига эга кутубхона ҳам фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, темирйўлчи фарзандларининг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли Ҳтказишлари учун барча шароит яратилган.

Рустам ҲАЙДАРОВ



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши

Таҳрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҲЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Муҳбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-634 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6